



**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**9 (59) 2023**

**Сопредседатели редакционной  
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

*Ред. коллегия:*

М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
Л.М. АБДУЛЛАЕВА  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
Т.А. АСКАРОВ  
М.А. АРТИКОВА  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
Н.Н. ЗОЛОТОВА  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Б.Т. РАХИМОВ  
Х.А. РАСУЛОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОЕВ  
С.А.ГАФФОРОВ  
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х.ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
Д.О. ИВАНОВ (Россия)  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

[www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)

<https://newdaymedicine.com>

E: [ndmuz@mail.ru](mailto:ndmuz@mail.ru)

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал  
Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**9 (59)**

**2023**

*сентябрь*

Received: 20.08.2023, Accepted: 05.09.2023, Published: 15.09.2023.

УДК 616.9:614.2: 614.446.26

## ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН БОЛАЛАР КАСАЛЛАНИШИНИНГ АЙРИМ ЭПИДЕМИОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Рахматов М. М.<sup>1</sup> [RaxmatovM@mail.ru](mailto:RaxmatovM@mail.ru),  
Буриев А.Я.<sup>2</sup> [Bo'riyevA@mail.ru](mailto:Bo'riyevA@mail.ru),  
Умиров С.Э.<sup>3</sup> <https://orcid.org/0009-0005-9984-5111>  
Атоева М.А.<sup>4</sup> <https://orcid.org/0000-0001-9906-7595>,  
Авезов Б.Б. [AvezovB@mail.ru](mailto:AvezovB@mail.ru),  
Ҳамдамов У.С. [XamdamovU@mail.ru](mailto:XamdamovU@mail.ru)  
Омонов С.Қ. [OmonovS@mail.ru](mailto:OmonovS@mail.ru),  
Болтаева Х.Ш. [Boltaev@mail.ru](mailto:Boltaev@mail.ru)

<sup>1</sup>Бухоро вилояти ОИТС га қарши курашиш маркази,

<sup>2</sup>Қарши Давлат университети,

<sup>3</sup>Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

<sup>4</sup>Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон, Бухоро, просп. Навои, 1, (998) 65-223-00-50, [bsmi.uz](http://bsmi.uz)

### ✓ Резюме

*Тадқиқотнинг мақсади ОИВ инфекцияси билан болаларнинг касалланишини таҳлил этиш асосида тадбирлар сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат. Республикада ҳам, Бухоро вилоятида ҳам ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача бўлган болалар касалланишининг таркибида 2007-2011 йилларда 0-3 ва 4-6 ёш гуруҳидагиларнинг, 2012-2019 йилларда 7-14 ёш гуруҳидагиларнинг ва 2020-2022 йилларда 15-17 ёш гуруҳидагиларнинг улуши устувор.*

*Калит сўзлар: ОИВ инфекцияси, ёш таркиби, жадаллиги, улуши*

## НЕКОТОРЫЕ ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЗАБОЛЕВАЕМОСТИ ДЕТЕЙ ВИЧ-ИНФЕКЦИЕЙ

Рахматов М. М.<sup>1</sup> [RaxmatovM@mail.ru](mailto:RaxmatovM@mail.ru),  
Буриев А.Я.<sup>2</sup> [Bo'riyevA@mail.ru](mailto:Bo'riyevA@mail.ru),  
Умиров С.Э.<sup>3</sup> <https://orcid.org/0009-0005-9984-5111>  
Атоева М.А.<sup>4</sup> <https://orcid.org/0000-0001-9906-7595>,  
Авезов Б.Б. [AvezovB@mail.ru](mailto:AvezovB@mail.ru),  
Ҳамдамов У.С. [XamdamovU@mail.ru](mailto:XamdamovU@mail.ru)  
Омонов С.Қ. [OmonovS@mail.ru](mailto:OmonovS@mail.ru),  
Болтаева Х.Ш. [Boltaev@mail.ru](mailto:Boltaev@mail.ru)

<sup>1</sup>Бухарский областной центр по борьбе со СПИДом,

<sup>2</sup>Каршинский государственный университет,

<sup>3</sup>Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников МЗРУз

<sup>4</sup>Бухарский государственный медицинский институт, Узбекистан, Бухара, просп. Навои, 1, (998) 65-223-00-50, [bsmi.uz](http://bsmi.uz)

### ✓ Резюме

*Целью исследования является повышение качества и эффективности мероприятий на основе анализа заболеваемости детей ВИЧ-инфекцией. Установлено, что как в Республике, так и в Бухарской области среди детей до 18 лет с ВИЧ-инфекцией на долю 0-3 и 4-6 возрастных групп в 2007-2011 гг., 7-14 возрастных групп в 2012-2019 гг. 17 лет возрастная группа в 2020-2022 годах, является преобладающей.*

*Ключевые слова: ВИЧ-инфекция, возрастная структура, интенсивность, доля.*

## SOME EPIDEMIOLOGICAL ASPECTS OF HIV INCIDENCE IN CHILDREN

Rakhmatov M. M.<sup>1</sup> [RaxmatovM@mail.ru](mailto:RaxmatovM@mail.ru),  
Buriyev A.Ya.<sup>2</sup> [Bo'riyevA@mail.ru](mailto:Bo'riyevA@mail.ru)  
Umirov S.E.<sup>3</sup> <https://orcid.org/0009-0005-9984-5111>  
Atoeva M.A.<sup>4</sup> <https://orcid.org/0000-0001-9906-7595>,  
Avezov B.B. [AvezovB@mail.ru](mailto:AvezovB@mail.ru),  
Khamdamov U.S. [XamdamovU@mail.ru](mailto:XamdamovU@mail.ru)  
Omonov S.K. [OmonovS@mail.ru](mailto:OmonovS@mail.ru),  
Boltaeva H.Sh. [Boltaev@mail.ru](mailto:Boltaev@mail.ru)

<sup>1</sup>Bukhara Regional AIDS Center,

<sup>2</sup>Karsha State University,

<sup>3</sup>Center for the Development of Professional Qualifications of Medical Workers of the Ministry of Health of Uzbekistan

<sup>4</sup>Bukhara State Medical Institute, Uzbekistan, Bukhara, ave. Navoi, 1, (998) 65-223-00-50, [bsmi.uz](http://bsmi.uz)

### ✓ *Resume*

*The purpose of the study is to improve the quality and effectiveness of activities based on an analysis of the incidence of HIV infection in children. It was found that both in the republic and in the Bukhara region among children under 18 years of age with HIV infection in the share of 0-3 and 4-6 age groups in 2007-2011, 7-14 age groups in 2012-2019. The 17th age group in 2020-2022 is the predominant.*

*Key words: HIV infection, age structure, intensity, share.*

### Долзарблиги

Жаҳонда ОИВ инфекцияси эпидемик жараёнининг жадаллиги тобора сезиларли даражада касалликнинг янги ҳолатлари сони кескин ўсмоқда. Мазкур минтақада 2022 йилда ОИВ инфекцияси янги ҳолатларининг қайд этилиши 2010 йилга нисбатан 49%га ошган [1, 2].

ОИВ инфекциясининг ижтимоий аҳамияти, аввало, эпидемик жараёнга аксарият ҳолларда ёш авлоднинг, аҳолининг репродуктив ва меҳнатга лаёқатли қатламларининг жалб этилиши билан белгиланади [3, 6, 7].

ЮНЭЙДС томонидан 2023 йилда эълон қилинган Глобал статистик маълумотларга кўра, 2022 йилда жаҳонда ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахсларнинг умумий сони 39 миллион нафардан, жумладан 14 ёшгача болалар сони 1,5 миллион нафардан иборат. 2022 йилда, 77% 15 ёшдан юқори ёшдаги ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахслар ва 57% 14 ёшгача болалар антиретровирусли терапия билан қамраб олинган [2,4]. Яъни, ОИВ инфекцияси билан яшовчи 9,2 миллион нафар катта ёшлилар ва 660 минг нафар болалар антиретровирусли терапияга жалб этилмаган. Ваҳоланки, Янги глобал стратегия шиорига кўра, 2030 йилга келиб болалар ўртасида ОИВ инфекцияси батамом бартараф этилиши зарур. Адабиётларда келтирилаётган маълумотларда таъкидланишича, ОИВ инфекциясининг болаларда клиник кечиши, ўз иммунопатологик хусусиятларига кўра, касалликнинг катта ёшлиларда кечишидан тубдан фарқ қилади [5,6,8,9]. Табиийки, ОИВ инфекциясининг юқиш механизми, юқиш йўллари, хавфли гуруҳлари ва хавф омиллари нуктаи назаридан ёндошилса катта ёшлиларда ва болаларда касалликнинг тарқалишини белгиловчи жиддий эпидемиологик тафовутлар ҳам мавжудлигини англаувчи мулоҳазалар пайдо бўлади.

Юқорида келтирилган далиллар, ОИВ инфекциясининг эпидемик жараёни самарали бошқарилиши учун, турли минтақаларда унинг жадаллигини белгиловчи барча омиллар атрофлича ўрганилиши, аҳолининг алоҳида қатламлари орасида, хусусан болалар ўртасида касаллик тарқалишининг ўзига хослиги таҳлил этилиши ва баҳоланиши зарурлигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача бўлган болаларнинг касалланиш динамикасини ва таркибини қиёсий таҳлил этиш ҳамда эпидемиологик вазиятни баҳолаш асосида профилактик тадбирлар сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат.

### Материал ва усуллар

Мазкур тадқиқот амалга оширилиши учун Ўзбекистон Республикасида ва Бухоро вилоятида ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг расмий статистик маълумотларидан фойдаланилди. Тадқиқотни бажариш жараёнида ижтимоий, эпидемиологик ва статистик усуллар қўлланилди.

### Натижа ва таҳлиллар

Ўзбекистон Республикаси ва Бухоро вилоятидаги ОИВ инфекцияси билан касалланиш жадаллигини баҳолаш учун касалликнинг янги ҳолатлари (инцидентлиги) қайд этилишининг кўп йиллик (2000-2022 йй.) динамикаси қиёсий таҳлил этилди (1-жадвал).

1-жадвал

**ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг кўп йиллик динамикаси, (2000-2022 йй., 100 минг нафар аҳолига жадаллик кўрсаткичи)**

Йиллар	Ўзбекистон	Бухоро вилояти	Кўрсаткичлар фарқи
2000	0,6	0,1	6
2001	2,2	0,9	2,4
2002	3,8	0,5	7,6
2003	7,1	4,8	1,5
2004	7,8	4,2	1,8
2005	8,2	3,8	2,1
2006	8,2	4,2	1,9
2007	11,7	3,3	3,5
2008	12,7	4,4	2,9
2009	14,0	6,3	2,2
2010	13,3	5,1	2,6
2011	12,4	6,3	2,0
2012	13,1	6,0	2,2
2013	14,1	7,5	1,9
2014	13,5	8,3	1,6
2015	13,2	8,5	1,6
2016	12,5	8,3	1,5
2017	12,3	9,9	1,2
2018	12,4	9,7	1,3
2019	11,9	8,6	1,4
2020	8,3	4,9	1,7
2021	9,3	8,1	1,1
2022	10,7	7,9	1,4
<b>Ўртача</b>	<b>10,1</b>	<b>5,7</b>	<b>1,8</b>

Ўзбекистон Республикасида 2000-2022 йиллар мобайнида ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг ўртача кўрсаткичи 100 минг нафар аҳолига 10,1 бўлиб, 0,6 дан (2000 й.) 14,1 га (2013 й.) қадар тебраниб турган. Республика кўрсаткичлари 2000-2006 ва 2020-2022 йилларда ўртача кўрсаткичдан паст, 2007-2013 йиллар давомида эса узлуксиз равишда ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган. Республикада ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг 2000-2022 йиллар мобайнидаги ўртача йиллик ўсиш суръати 73,2% дан иборат.

Таҳлил этилаётган барча йиллар мобайнида (2000-2022йй.) Республиканинг кўрсаткичи, тегишли йиллардаги Бухоро вилояти кўрсаткичига нисбатан барқарор равишда юқори бўлиб, энг кам тафовут 1,1 мартадан (2021 йил), энг катта тафовут 7,6 мартадан (2002 йил) иборат.

Бухоро вилоятида вужудга келган ОИВ инфекциясига доир эпидемик вазиятнинг Республикадаги вазиятдан тубдан фарқ қилишини инобатга олиб, ҳамда вилоятдаги ҳолатнинг ўзига хослигига янада ойдинлик киритилиши учун, эпидемик жараён жадаллигини белгиловчи омиллар, хусусан болаларнинг мазкур касаллик билан касалланиш ҳолати атрофлича баҳоланиши талаб этилади. Бухоро вилоятида 18 ёшгача бўлган болалар ўртасида ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг дастлабки ҳолати 2006 йилда қайд этилган. Шу боисдан,

аҳолининг ОИВ инфекцияси билан касалланишида 18 ёшгача бўлган болаларнинг мавқеини баҳолаш учун 2006-2022 йиллар мобайнидаги Республика ва вилоят кўрсаткичлари таққослаб таҳлил этилди. Шу мақсадда дастлаб, Ўзбекистон Республикаси ва Бухоро вилоятида, 2006-2022 йиллар мобайнида ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача бўлган болалар касалланишининг интенсив кўрсаткичи (100 минг нафар 18 ёшгача болаларга) ҳамда мазкур касаллик билан аҳоли касалланишининг умумий ҳолатлари таркибида 18 ёшгача бўлган болаларнинг улуши (%ларда) аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

18 ёшгача бўлган болаларнинг ОИВ инфекцияси билан касалланиш динамикаси ва умумий ҳолатлар таркибидаги улуши (2006-2022 йй., 100 минг нафар 18 ёшгача болаларга кўрсаткич ва %)

Йиллар	Ўзбекистон		Бухоро вилояти		Кўрсаткичлар фарқи	
	Интенсив кўрсаткич	Улуши, %	Интенсив кўрсаткич	Улуши, %	Интенсив кўрсаткич фарқи	% лар фарқи
2006	7,2	7,3	0,2	1,6	36	4,6
2007	7,3	17,5	0,7	5,8	10,4	3,0
2008	7,4	18,2	1,3	8,7	5,7	2,1
2009	10,4	21,6	2,6	12,0	4	1,8
2010	10,0	22,1	1,7	9,6	5,9	2,3
2011	10,4	24,2	2,6	11,2	4	2,2
2012	9,3	20,2	2,4	10,7	3,9	1,9
2013	8,9	17,5	2,4	8,5	3,7	2,1
2014	6,4	16,4	2,8	8,9	2,3	1,8
2015	6,2	15,7	1,7	5,3	3,6	3,0
2016	5,5	14,5	2,8	10,7	2,0	1,4
2017	5,0	13,3	1,2	3,8	4,2	3,5
2018	4,7	12,8	1,5	5,0	3,1	2,6
2019	4,2	11,2	1,2	4,3	3,5	2,6
2020	2,3	9,1	0	0	-	-
2021	2,3	8,5	1,1	4,5	2,1	1,9
2022	2,1	6,7	0,5	1,9	4,2	3,5

Ўзбекистон Республикасида 2006-2022 йиллар мобайнида ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача болалар касалланишининг ўртача кўрсаткичи 100 минг нафар болаларга 6,4 бўлиб, 2,1 дан (2022 й.) 10,4га (2009 й. ва 2011 й.) қадар тебраниб турган. Республикада 18 ёшгача болалар касалланишининг кўрсаткичлари 2006-2013 йиллар мобайнида ўртача кўрсаткичдан юқори, 2014 йилда ўртача кўрсаткич билан тенг ва 2015-2022 йилларда ўртача кўрсаткичдан паст, 2013 йилдан бошлаб узлуксиз равишда пасайиш тенденцияси кечмоқда. Ўзбекистонда ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача болалар касалланишининг 2006-2022 йиллар мобайнидаги ўртача йиллик пасайиш суръати 4,2% дан иборат.

2006-2022 йиллар мобайнида Республика аҳолисининг ОИВ инфекцияси билан касалланиши таркибида 18 ёшгача болаларнинг улуши ўртача 15,1%ни ташкил этган ва 6,7% дан (2022 й.)

24,2% га (2011 й.) қадар тебраниб турган. Республикада ОИВ инфекцияси касалланиш таркибида болаларнинг улуши 2006 йилда ва 2016-2022 йиллар мобайнида ўртача улушдан (15,1%) паст, аксинча 2007-2015 йиллар мобайнида ўртача улушдан юқори бўлганлиги аниқланди.

Бухоро вилоятида 2006-2022 йиллар мобайнида ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача болалар касалланишининг ўртача кўрсаткичи 100 минг нафар болаларга 1,6 бўлиб, фақатгина 2020 йилда болалар ўртасида касаллик ҳолати қайд этилмаган. Қолган йилларда 0,2 дан (2006 й.) 2,8 га (2014 й. ва 2016 й.) қадар тебраниб турган. Вилоятда 18 ёшгача бўлган болалар касалланишининг кўрсаткичлари 2006-2008 йиллар мобайнида ва 2017-2022 йилларда ўртача кўрсаткичдан паст, 2009-2016 йилларда эса ўртача кўрсаткичдан юқори, 2019 йилдан буён болалар ўртасида ОИВ инфекцияси билан касалланишининг пасайиши кузатилмоқда. Лекин шунга қарамасдан, вилоятда ОИВ инфекцияси билан болалар касалланишининг 2022 йилдаги кўрсаткичи (0,5), бошланғич – 2006 йилдаги кўрсаткичга (0,2) нисбатан 2,5 марта юқори. Бухоро вилоятида ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача болалар касалланишининг 2006-2022 йиллар мобайнидаги ўртача йиллик ўсиш суръати 8,8% дан иборат.

2006-2022 йиллар мобайнида Бухоро вилояти аҳолисининг ОИВ инфекцияси билан касалланиши таркибида 18 ёшгача болаларнинг улуши ўртача 6,6% ни ташкил этган ва 1,6% дан (2006 й.) 12,0% га (2009 й.) қадар тебраниб турган. Вилоятда ОИВ инфекцияси касалланиш таркибида болаларнинг улуши 2006-2007 йилларда, 2015 йилда ва 2017-2022 йиллар мобайнида ўртача улушдан (6,6%) паст, аксинча 2008-2014 йиллар мобайнида ва 2016 йилда ўртача улушдан юқори бўлган.

ОИВ инфекциясига нисбатан хавф гуруҳлари борасида қатъий эътироф этилган анъанавий қарашларга зид равишда, аҳолининг касалланиши таркибида болалар улушининг сезиларли даражада юқорилиги боис, 18 ёшгача болалар касалланишининг таркиби янада кичикроқ ёш гуруҳларига ажратиб таҳлил этилиши мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ва Бухоро вилоятида, 2007-2022 йиллар мобайнида ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача болалар касалланишининг таркибидаги 0-3, 4-6, 7-14 ва 15-17 ёш гуруҳларга мансуб болаларнинг улуши (% ларда) таҳлил қилинди (3-жадвал).

**3-жадвал**

**18 ёшгача болаларнинг ОИВ инфекцияси билан касалланиш динамикасида турли ёш гуруҳларининг улуши, (2007-2022 йй., %)**

Йиллар	Ўзбекистон, ёш гуруҳлари				Бухоро, ёш гуруҳлари			
	0-3	4-6	7-14	15-17	0-3	4-6	7-14	15-17
2007	65,8	16,9	7,0	10,3	33,3	33,3	33,3	0
2008	60,9	27,7	7,7	3,7	83,3	0	16,7	0
2009	37,7	47,3	11,7	3,3	50,0	33,3	16,7	0
2010	24,2	34,5	22,8	18,5	50,0	50,0	0	0
2011	13,9	46,2	36,0	3,9	8,3	83,4	8,3	0
2012	10,1	30,2	54,9	4,8	9,1	54,5	36,4	0
2013	8,3	12,2	72,4	7,1	0	45,5	54,5	0
2014	7,6	7,2	82,5	2,7	7,7	7,7	69,2	15,4
2015	4,6	4,6	83,4	7,4	12,5	12,5	62,5	12,5
2016	5,3	4,7	82,9	7,1	6,3	0	93,7	0
2017	5,2	2,4	78,8	13,7	0	0	85,7	14,3
2018	4,2	3,3	68,3	24,2	0	0	100,0	0
2019	8,0	4,2	50,7	37,1	14,3	0	28,6	57,1
2020	9,7	4,2	29,3	56,8	0	0	0	0
2021	7,1	5,3	28,1	59,4	14,2	0	42,9	42,9
2022	11,8	3,8	16,3	68,1	0	0	0	100,0

3-жадвалда келтирилган маълумотлар кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасида 2007-2022 йиллар мобайнида 18 ёшгача бўлган болалар касалланишининг таркибида 0-3 ёш гуруҳидаги болаларнинг улуши ўртача 19,0%ни, 4-6 ёш гуруҳидагиларнинг улуши 19,8%ни, 7-14 ёш

гуруҳидагиларнинг улуши 47,0%ни ва 15-17 ёш гуруҳидагиларнинг улуши эса 14,2%ни ташкил этган. 2007-2022 йиллар мобайнида 18 ёшгача болалар касалланишининг таркибида 0-3 ёш гуруҳидагиларнинг улуши жуда кенг кўламда – 4,2%дан (2018 йил) 65,7%гача (2007 йил) кўламда тебраниб турган, ҳамда 2007-2010 йиллар мобайнида 0-3 ёш гуруҳидаги болаларнинг улуши ўртача улушдан (19,0%) юқори, 2011-2022 йилларда эса ўртача улушдан паст эканлиги аниқланди.

4-6 ёш гуруҳидагиларнинг улуши 2,4%дан (2017 йил) 47,3%гача (2009 йил) кўламда тебраниб турган, ҳамда 2008-2012 йиллар мобайнида ўртача улушдан (19,8%) юқори, 2007 йилда ва 2013-2022 йилларда эса ўртача улушдан паст.

7-14 ёш гуруҳидагиларнинг улуши 7,0%дан (2007 йил) 83,4%гача (2015 йил) кўламда тебраниб турган, ҳамда 2007-2011 йиллар ва 2020-2022 йиллар мобайнида уларнинг улуши ўртача улушдан (47,0%) паст, 2012-2019 йилларда эса ўртача улушдан юқори эканлиги аниқланди. 18 ёшгача болалар касалланишининг таркибида 2016 йилдан буён 7-14 ёш гуруҳидагиларнинг улуши узлуксиз пасаймоқда.

15-17 ёш гуруҳидагиларнинг улуши 2,7%дан (2014 йил) 68,1%гача (2022 йил) кўламда тебраниб турган, ҳамда 2010 йилни (18,5%) истисно этганда, 2007-2017 йиллар мобайнида мазкур ёш гуруҳидагиларнинг улуши ўртача улушдан (14,2%) паст, 2010 йилда ва 2018-2022 йилларда эса ўртача улушдан юқори бўлган. Таъкидлаш жоизки, 18 ёшгача бўлган болалар касалланишининг таркибида 2017 йилдан буён 15-17 ёш гуруҳидагиларнинг улуши узлуксиз равишда ошиб бормоқда.

Бухоро вилоятида 2007-2022 йиллар мобайнида 18 ёшгача болалар касалланишининг таркибида 0-3 ёш гуруҳидаги болаларнинг улуши ўртача 17,3%ни, 4-6 ёш гуруҳидагиларнинг улуши 24,1%ни, 7-14 ёш гуруҳидагиларнинг улуши 48,1%ни ва 15-17 ёш гуруҳидагиларнинг улуши эса 10,5%ни ташкил этган. Яъни, вилоятда 18 ёшгача болалар касалланишининг таркибидаги таҳлил этилаётган ёш гуруҳларининг улуши Республикадаги тегишли ёш гуруҳларининг улуши билан таққосланганда статистик тафовут мавжуд эмас ( $p > 0,05$ ). Бухоро вилоятида 0-3 ёш гуруҳидаги болалар ўртасида таҳлил этилаётган йилларнинг 5 йилида (2013, 2017, 2018, 2020 ва 2022 йилларда) ОИВ инфекцияси қайд этилмаган. Қолган йиллар мобайнида эса 18 ёшгача бўлган болалар касалланишининг таркибида мазкур ёш гуруҳидагиларнинг улуши 6,3%дан (2016 йил) 83,3%гача (2008 йил) кўламда тебраниб турган, ҳамда 2007-2010 йиллар мобайнида 0-3 ёш гуруҳидаги болаларнинг улуши ўртача улушдан (17,3%) юқори, касаллик қайд этилган бошқа йилларда эса ўртача улушдан паст.

4-6 ёш гуруҳидаги болалар ўртасида 2008 йилда ва сўнгги 7 йил – 2016-2022 йиллар мобайнида ОИВ инфекцияси қайд этилмаган. Касаллик кузатилган йиллар мобайнида эса 18 ёшгача болалар касалланишининг таркибида 4-6 ёш гуруҳидагиларнинг улуши 7,7% дан (2014 йил) 83,4% гача (2011 йил) кўламда тебраниб турган, ҳамда 2007 йилда ва 2009-2013 йиллар мобайнида ўртача улушдан (24,1%) юқори, 2014-2015 йилларда эса ўртача улушдан паст эканлиги аниқланди.

7-14 ёш гуруҳидагилар ўртасида 2010, 2020 ва 2022 йилларда ОИВ инфекцияси кузатилмаган. Касаллик қайд этилган йиллар мобайнида эса 18 ёшгача болалар касалланишининг таркибида мазкур ёш гуруҳидагиларнинг улуши 8,3% дан (2011 йил) 100,0% гача (2018 йил) кўламда тебраниб турган, ҳамда 2007-2009, 2011-2012, 2019 ва 2021 йилларда ўртача улушдан (48,1%) паст, 2013-2018 йилларда эса ўртача улушдан юқори.

Вилоятда 15-17 ёш гуруҳидагилар ўртасида 2007-2013, 2016, 2018 ва 2020 йилларда ОИВ инфекцияси кузатилмаган. Касаллик қайд этилган йиллар мобайнида эса 18 ёшгача болалар касалланишининг таркибида мазкур ёш гуруҳидагиларнинг улуши 12,5% дан (2015 йил) 100,0% гача (2022 йил) кўламда тебраниб турган, ҳамда касалланиш кузатилган барча йилларда ўртача улушдан (10,5%) юқори эканлиги аниқланди.

2007-2022 йиллар мобайнида ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача бўлган болалар касалланишининг таркибини янада кичикроқ ёш гуруҳларига ажратиб таҳлил этиш натижасида касалликнинг эпидемиологик ташхисотига доир қимматли маълумотлар олинди. Хусусан, Республика миқёсида ҳам, Бухоро вилоятида ҳам кузатишнинг дастлабки йилларида – 2007-2011 йилларда 0-3 ва 4-6 ёш гуруҳидагиларнинг улуши устуворлик қилган бўлса, 2012-2019 йилларда 7-14 ёш гуруҳидагиларнинг ва 2020-2022 йилларда 15-17 ёш гуруҳидагиларнинг улуши устуворлик мавқеини эгаллаган. Мазкур қонуниятнинг туб сабабларига аниқлик

киритилиши учун, 18 ёшгача бўлган болаларнинг ОИВ инфекцияси билан касалланишини клиник-эпидемиологик жиҳатдан мажмуавий тарзда ва замонавий лаборатор усулларни қўллаб янада атрофлича тадқиқ этиш тақозо этилади.

### Хулоса

Ўзбекистон Республикасида 2006-2022 йиллар мобайнида ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача болалар касалланишининг ўртача кўрсаткичи 100 минг нафар болаларга 6,4 бўлиб, 2,1 дан 10,4 га қадар тебраниб турган, ўртача йиллик пасайиш суръати 4,2% дан иборат. Республика аҳолисининг ОИВ инфекцияси билан касалланиши таркибида 18 ёшгача бўлган болаларнинг улуши ўртача 15,1% ни ташкил этган ва 6,7% дан 24,2% га қадар тебраниб турган. Шундай қилиб, Республикада ҳам, Бухоро вилоятида ҳам ОИВ инфекцияси билан 18 ёшгача бўлган болалар касалланишининг таркибида 2007-2011 йилларда 0-3 ва 4-6 ёш гуруҳидагиларнинг, 2012-2019 йилларда 7-14 ёш гуруҳидагиларнинг ва 2020-2022 йилларда 15-17 ёш гуруҳидагиларнинг улуши устувор.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Глобальная стратегия противодействия СПИДу на период 2021-2026 гг., ЮНЭЙДС, Женева, 2020.
2. Глобальная статистика по ВИЧ. ИНФОРМАЦИОННЫЙ БЮЛЛЕТЕНЬ, 2023. - 6 с.
3. Леонова О.Н. и соавт. Проблемы лечения больных с тяжелыми формами ВИЧ-инфекции // ВИЧ-инфекция и иммуносупрессии. 2013;2:58-65.
4. Ладная Н.Н., Соколова Е.В., Тушина О.И. и др. ВИЧ-инфекция у женщин и детей в Российской Федерации. // Материалы научно-практической конференции с международным участием «Дети и ВИЧ: проблемы и перспективы». – СПб.: Изд-во «Человек и его здоровье», 2014;3-6.
5. Покровский В.В. с соавт. Лекции по ВИЧ-инфекции, 2-е издание, переработанное и дополненное. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2018;847.
6. Покровская А.В., Козырина Н.В., и др. Социально-демографический портрет пациента, живущего с ВИЧ и посещающего центры СПИД в России //Терапевтический архив. 2020;88(11):12-16.
7. Рассохин В.В. и соавт. Проблема старения и инвалидизации ВИЧ-инфицированных пациентов // ВИЧ-инфекция и иммуносупрессии 2015;7(1):7-15.
8. Юлдашев К.Х., Умиров С.Э., Юлдашев Т-М.К. Антитретовирус терапияси фонида инсон имунтанқислиги вирусини генетик вариантларини мониторинги //Ж. Ўзбекистон врачлар ассоциацияси бюллетени. 2020;4(101):88-90.
9. CDC (2016). Centers for Diseases Control and Prevention. HIV/AIDS. URL: <http://cdc.gov/hiv/stastistics/overview/ataglance.html> (accessed 01.02.2017)
10. Marcus J.L., Chao C.R., et al (2016). Narrowing the gap in life expectancy for HIV+ compared with HIV-individuals // Conference on Retroviruses and opportunistic infections (CROI) 2016, Boston, abs 54.

Қабул қилинган сана 20.08.2023